
Олтиариқлик деҳқон ва фермерлар ерга чигит қадаш юмушига киришдилар

Шу муносабат билан тумандаги Рустам Шарофиддинов раҳбарлигидаги “Ўктам Шарофиддинов барака” фермер хўжалиги даласида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда туман ҳокими Шамсиддин Турдалиев, сектор раҳбарлари, нуронийлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига масъул ташкилотлар, пахта кластерлари корхоналари раҳбарлари ва фермерлар иштирок этди. Семинарда туман ҳокими Ш.Турдалиев чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, бу даврда деҳқон-фермерлар эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим вазифаларни алоҳида таъкидлади. – Туманимизда чигит экиш ишларига пухта тайёргарлик кўрилди. Жорий йилда 6 минг 220 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил олишни ният қилдик. Фермерларимиз агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга астойдил бел боғлаганлар. Барча техникалар шай ҳолатга келтирилган, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Умиджон Бозоров. Шу куни нуронийларнинг дуолари билан ерга чигит қадаш ишлари бошлаб юборилди.

2022-03-30 18:48:50